

Ўша йилнинг июнь оида У кўрамизда меҳмон бўлди — У доим ўзимизнинг одам саналарди: раҳматли отаси отамнинг хам дўсти, хам кўшниси эди. Фердинанд Сарой шахрида ўн бешинчи июнь куни ўлдирилди. Ун олтинчи июнь эрталаб эса почтадан газета келди. Отам кўлида кечки Москва газетаси, хонасидан чикиб, бизлар — У, ойим ва мен ханузгача чой ичиб ўтирган емакхонага кирди:

— Мана энди, дўстларим, уруш! — деди.— Саройда Австрия шахзодаси ўлдирилибди. Бу — УРУШ дегани!

Авлиё Пётр куни — отамнинг таваллуд санаси эди — бизнига жуда кўп меҳмон келди, тушлик махали менинг унга унаштирилганим маълум килинди. Бирок ўн тўккизинчи июlda Германия Россияга уруш очди...

Сентябрда У бизнига факат бир кунга — урушга жўнаш олдидан хўшлашгани келди (у пайтлар хамма УРУШ тезда тугайди, деб ўйлар ва, шунинг учун хам, тўйимиз кўкламга колдирилган эди). Мана, хайрлашув окшоми. Кечки овкатдан сўнг, таомилга кўра, самовар олиб кирилди, шунда отам бугдан терлаган дераза ойнасига тикилиб, деди:

— Ажаб барвакт ва совук куз!

Биз ўша окшом сокин ўлтирадар, хаддан ташкари босик, ботиний ўй ва туйгуларимизни сир тутганча, ахён-ахёнда бир-биirimizга шунчаки сўз котиб кўяр эдик. Отамнинг куз хакидаги гапида хам ёлгондакам локайдлик бор эди. Мен балкон эшигига якинлашиб, рўмолчам билан ойнани артдим: bog узра, коп-кора осмондан шаффофф муз бўлакларига ўхшаш киррадор ва равshan юлдузлар чаракларди. Отам гавдасини ўриндик суюнчигига ташлаганча, стол тепасидаги кизиб кетган осма чирокка паришон тикилиб тамаки тутатарди, кўз-ойнак таккан ойим эса чирок ёѓусида камоли диккат билан ипак халтacha тикарди — биз унинг нчма эканини яхши билардик, — бу холат хам таъсирчан, хам даҳшатли эди. Отам Ундан сўради:

— Шундай килиб, бари бир нонуштага колмай, эрталаб барвакт кетмокчиман, дегин?

— Ха, агар рухсат этсангиз, эрталаб,— дея жавоб берди У.— Минг таассуф, лекин хали уйдагиларимга бирон бир кўрсатма хам берган эмасман.

Отам енгил сўлиш олди:

— Майли, ихтиёринг, азизим. Гап шунака экан, у холда ойинг билан биз энди ухлайлик, эртага сени ал-батта кузатиб кўймокчимиз...

Ойим ўрнидан туриб, бўлажак куёвини чўқинтирди, У эса аввал ойимнинг, кейин отамнинг кўлинини ўпди. Иккимиз холи колгач, биз тагин бир муддат емакхона-да бўлдик — мен карта сузишга тутиндим, У эса хонанинг у бурчидан бу бурчига жим бориб келарди, салдан кейин:

— Хохлайсанми, бир оз айланиб келами? — деб сўради.

Кўнглим тобора хиралашиб борарди, локайдгина жавоб бердим:

— Майли...

У даҳлизда кийинатуриб нима хакдадир ўйларкан, мийигида жозибали кулганча Фетнинг шеърини эслади:

Совук эрур бу куз накадар! Нимчангни кий, шолингни ўра...

— Нимча йўк,— дедим.— Кейин нима эди?

— Ёдимда йўк. Янглишмасам, мана бундай шекил-ли:

Гўё ёнгин аста юксалар Карагайлар оралаб,— кара...

— Канака ёнгин?

— Ойнинг чикишини айтмокчиидир-да. Бу мисралар-да кишлок кузининг аллакандай таровати бор: «Нимчангни кий, шолингни ўра...» Боболаримиз ва бувиларимиз замони... Эх, худойим-эй, худойим-эй!

— Сенга нима бўлди?

— Хеч нарса, азизам. Бари бир мунгли. Хам мунгли, хам яхши. Мен жуда, жуда яхши кўраман сени...

Биз кийиниб, емакхона оркали балконга чикдик, ундан бокка тушдик. Аввалига шу кадар коронги эдики, мен беихтиёр унинг енгидан ушлаб олдим. Кейин жавохирдек яркирок юлдузларга кўмилган бутокларнинг учлари ёришаётган кўкда корайиб кўрина бошлади. У тўхтаб, уй томонга ўгирилди:

— Кара, деразалар кандайдир бошқача, кузга хос майин ёғду сочяпти. Ўлмасам, бу окшомни хеч качон унутмайман...

Мен уйга карадим, У мени швейцарча ёпингичим устидан кучди. Тивит рўмолимни сал очиб, ўпсин деб бошимни сезилар-сезилмас оркага ташладим. Ўпгач, У юзимга тикилди.

— Кўзларинг кандай чараклайди-я,— деди.— Совкотмаяпсанми? Хавони кара, кишнинг ўзгинаси. Мабодо ўлиб кетсам, хар калай, мени дарров унугиб юбормассан?

Мен ўйлаб колдим: «Ростдан хам ўлдириб кўйиш-са-я?! Нахотки, мен Уни кандайдир киска муддатга бўлса хам ёдимдан чикарсам — ахир, бу дунёда хам-ма нарса бир кун келиб унугибади-ку?» Ўз ўйимдан ўзим чўчиб, шошиб жавоб бердим:

— Ундан дема! Сен ўлсанг, мен ортиқ яшолмайман! У бир оз жим колгач, дона-дона килиб деди:

— Начора, агар ўлсам, мен свни у ёқда кутаман. Сен тўйиб яша, бу ёруг дунёда хўб ўйнаб-кул, кейин ёнимга боргин.

Мен алам билан хўнграб юбордим.

Эрталаб У кетди. Ойим кеча ўзи тиккан ўша машъум халтачани Унинг бўйнига осиб кўйди — халтачада ойимнинг ота-боболари урушларда такиб юрган жажжи олтин бут бор эди,— кейин биз Уни аллакандай хаяжонли ноумидлик билан чўкинтиридик. Сўнг Унинг ортидан тикилиб, кимингнидир узок сафарга кузатаётганингда бўладиган гангиш ичida, факат биз билан илк хуёш нурларидан ўт-ўланлар узра яркираб ётган кировни, фарахбахш эрта ўртасидагина вужудга келган зидликни хис этган кўйи, эшик олдидаги зинада котиб турдмк. Бир оздан кейин хувиллаб колган уйга кайтиб кирдик. Мен елкаларимни махкам кучганча, нима килишга хайрон, бор овоз билан хўнграшни хам, кўшик айтишни хам билмай хоналар бўйлаб тентий бошладим...

Уни ўлдиришди — кандай даҳшатли сўз!— Галиция-да, бир ойдан сўнг ўлдиришди. Мана, ўшандан бери ўттиз йил ўтди. Узундан-узок туюлган бу йиллар мобайнида бошимдан кўп, жуда кўп воеалар кечди: улар хакида диккат билан ўйлар экансан, кечмиш деб атал-ган бу сирли, англаш мушкул, акл хам, юрак хам бовар килмайдиган ходисаларни хотирангда бирма-бир саралайсан киши. Ун саккизинчи йилнинг кўкламида, отамдан хем, онамдэн хам ажралган дамлар, мен Москва-да, Смоленск бозоридаги «Бекам, энди калайсиз, катик берсам ялайсиз?», деб доим устимдан куладиган чайковчи хотиннинг ертўласида истикомат килардим. Мен хам чайков билан шугулланар, у пайтлардаги кўплар катори, гоҳ кандайдир узукми, гоҳ жажжи хочми, гоҳ куя еган мўйнами — колган-кутган баъзи нарсаларим-ни папок кийган, шинеллари ёқавайрон солдатларга пуллар эдим. Ана ўшанда, кунлардан бир кун бозорнинг Арбатга туташ бурчагида, камдан-кам учрайдиган гўзал калбли, истеъфога чиккан харбий киши билан ганишдим, тез орада турмуш куриб, у билан Екатеринодарга жўнаб кетдим, Эримнинг кўнгиллиларга кўшилишга интилган ўн

етти ёшлардаги жияни хам биз билан бирга эди. Салкам икки хафта йўл юрдик: мен — чипта кавушдаги кишлеки аёл, у — охори тўкилган казакча чакмонли, узун соколига ок оралаган дехкон, хуллас, Дон ва Кубанда икки йилдан ортик яшадик. Кишда, денгизда бўрон кўзгалган бир пайтда бошка сон-саноксиз кочкинларга кўшилиб, Новороссийскдан Туркияга караб суздик; йўлда эrim терламадан ўлди. Шундан кейин бу ёруг дунёда менинг учовгина якин кишим колди: эrimнинг жияни, унинг ёшгина хотини ва улернинг кизчаси — етти ойлик чакалок. Лекин, кўп ўтмай, эrimнинг жияни гўдакни менга топшириб, хотини билан Кримга, Врангель панохига жўнай колди. Шу-шу, улар бедарак кетишиди Мен эса оғир кора меҳнат билан хам ўзимни, хам кизчани бокиб, яна анча вакт Истанбулда яшадим. Кейин кизчани етаклаб, кўплар катори не-не юртларда саргардон бўлмадим, дейсиз! Болгария, Сербия, Чехия, Бельгия, Париж, Ницца... Кизча аллакачон улгайиб, жуда ёқимтой, аммо менга бутунлай бефарқ карайдиган фран цуз кизига айланиб, Парижда муким яшаб колди, у энди Мадлэн якинидаги кандолат дўконида хизмат килар, кумушранг тирнокли нозик кўллари билан шоко-лод кутиларини силлик когозларга ўрап ва уни зар-рин богичлар билан тугиб, харидорларга тутказар эди; мен эса худо берган насибага каноат килиб то хануз Ниццада яшайман... Ниццада биринчи марта минг тўkkиз юз ўн иккинчи йили бўлган эдим — унинг кейин-чалик мен учун хор-зорликлар масканига айланишини ўша баҳтиёр кунларимда хаёлимга келтира оларми-дим!

Бир пайтлар ўйламай-нетмай, сен ўлсанг, ортик яшолмайман, деган одам — мен ана шундай килиб, Унинг ўлимидан кейин хам яшвивердим. Бирок, ўшан-дан буён бошимдан кечган савдоларни эслар зканман, доим ўз-ўзимдан сўрайман: хўш, у кунлардан нима колди? Сўнг ўзимга ўзим жавоб киламан: биргина ўша — совук куз окшоми... Наҳотки, хаётимда, шундай окшом бўлган? Ха, бўлган эди. Умр бўйи кўрган куним факат шу,— колганлари маънисиз тушдек ўтди-кетди. Ва мен ишонаман, жуда каттик ишонаман: кайдадир у ёқда, хув ўша окшомдагидек навкирон мухаббатию ўша ёшлиги билан У мени кутмоқда. «Сен тўйиб яша, бу ёруг дунёда хўб ўйнаб-кул, кейин ёнимга боргин...» Мен тўйиб яшадим, хўп ўйнаб-кулдим, энди тезда ёнингга бораман.

А. ШЕРМУХАМЕДОВ таржималари